

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ.

Чориев Абдиқайим Қодирович - Термиз Давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация. Мазкур мақолада Сурхондарё вилоятида аҳоли табиий кўпайишининг юқорилиги сабабли доимий равишда меҳнат ресурслари захираларининг ортиб бориши жараёнлари, аҳолининг меҳнатга фаоллиги ва ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғи, шунингдек меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг асосий мезони эканлиги очиқ берилган.

Калит сўзлар; Меҳнат ресурслари, аҳолининг меҳнатга фаоллиги, баланс, ишсизлар фоиз, статистика, тадбиркорлик, шаҳар, туман.

Аннотация. В данной статье раскрываются процессы постоянного роста резервов трудовых ресурсов в Сурхандарьинской области в связи с высоким уровнем естественного прироста населения, анализируется трудовая активность населения и доля трудоспособных граждан, занятых в общественном производстве. Также рассмотрены основные критерии эффективного использования трудовых ресурсов.

Ключевые слова: трудовые ресурсы, трудовая активность населения, баланс, уровень безработицы, статистика, предпринимательство, город, район.

PROBLEMS OF EFFECTIVE USE OF LABOR RESOURCES IN THE SURKHANDARYA REGION

Choriev Abdikayim Qodirovich — Senior Lecturer, Department of Geography, Termez State University.

Abstract. This article examines the processes of continuous growth in labor resource reserves in the Surkhandarya region due to the high rate of natural population increase. It analyzes the labor activity of the population, the

share of the working-age population employed in social production, and highlights the main criteria for the effective utilization of labor resources.

Keywords: labor resources, labor activity of the population, balance, unemployment rate, statistics, entrepreneurship, city, district.

Асосий қисм. Бугунги фан-техника тараққиёти ривожланган XXI асрда меҳнат ресурсларига нисбатан қўйилаётган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу жумладан илгари меҳнат ресурсларининг ишчи кучи ёки сонига эътибор қаратилган бўлса, бугунги кунда меҳнат ресурсларининг касбий билим кўникма малакаси ёки интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса айниқса, саноатда сўнгги йилларда фан талаб тармоқларнинг жадал суръатларда ривожланиши билан боғлиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон республикасининг жанубий минтақаси бўлган Сурхондарё вилоятида аҳоли табиий кўпайишининг юқорилиги сабабли доимий равишда меҳнат ресурслари захираларининг ортиб бориши жараёнлари кузатилади. Аҳолининг меҳнатга фаоллиги ва ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғи меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мезонини белгилайди. Ўзбекистонда бу мезон 99,8 фоиздан зиёдроқдир. Ишлаб чиқариш, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланган меҳнат ресурслари жамиятнинг ижтимоий-демографик ривожланиши билан биргаликда вужудга келади. Аниқроқ қилиб айтганда, аҳолининг табиий, сотсиал, механик ҳаракати натижасида меҳнат ресурслари шаклланади, ривожланади, тақсимланади.¹ Ўзбекистон республикаси меҳнат ресурслари билан тўлиқ таъминланган давлатлардан биридир. Бу ерда табиий ўсишнинг юқорилиги ҳар йили мамлакатда меҳнат ресурслари салмоғининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Статистика

¹ Z.N.Tojiyeva. Aholi geografiyasi. Fan va texnologiya. -T:, 2019

қўмитаси маълумотларига кўра Вилоят аҳолиси 2945,5 минг кишини (2025-йил 1-январ маълумотларига кўра) ташкил этди. 2023-йил маълумотларига кўра вилоятда меҳнат ресурслари 1489,6 минг кишини ташкил этиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1484,9 минг кишини ташкил этган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятда меҳнат ресурслари сони 2023-йилда 2016-йилга нисбатан 86,5 минг нафар кишига ортган. 2023-йилда меҳнат ресурсларининг жами аҳоли сонидagi улуши 51,8 фоизни ташкил этган. (1-жадвал)

1 жадвал

Сурхондарё вилоятида меҳнат ресурслари таркиби

Йилларда	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023*
Меҳнат ресурслари	1403,1	1425,0	1442,7	1462,6	1452,2	1463,5	1469,0	1489,6
Доимий аҳолига нисбатан, фоизда	57,0	56,7	56,1	55,6	54,7	53,4	52,3	51,8
шу жумладан:								
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	1397,7	1419,3	1437,4	1445,1	1450,2	1461,1	1466,6	1484,9
Доимий аҳолига нисбатан, фоизда	56,8	56,5	55,9	55,0	54,6	53,3	52,3	51,6
Меҳнат ресурсларига нисбатан, фоизда	99,6	99,6	99,6	98,8	99,9	99,8	99,8	99,7
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар	10,1	10,2	5,3	3,4	2,0	2,4	2,4	4,7
Доимий аҳолига нисбатан, фоизда	0,4	0,4	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2
Меҳнат ресурсларига нисбатан, фоизда	0,7	0,7	0,4	0,2	0,1	0,2	0,2	0,3

Изоҳ: *-дастлабки маълумотлар

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин: тадқиқ этилётган 2016-2023-йиллар оралиғида меҳнат ресурсларининг доимий аҳолига нисбатан кўрсаткичларида бироз пасайиш юзага келган бўлиб 2016- йилда бу кўрсаткич 57,0 фоизни ташкил этган бўлса 2023-йилда 51,8 фоизни ташкил этиб, 5,2 фоиз пасайиш юзага келган. Бу кўрсаткичлар сўнгги йилларда вилоят аҳолиси таркибида меҳнат ресурслари балансининг бироз паст кўрсаткичларга эга бўлиб борётганлигидан далолат бермоқда.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Вилоят республикада саноат ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича охирги ўринни эгаллайди. Бу борада маҳаллий арзон хом ашё базасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини қуриб ишга тушириш қишлоқ туманларида ортиқча меҳнат ресурслари бандлигига эришиш мақсадидага меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш;

-Вилоятнинг ҳар бир шаҳар, туманларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда эркин бозор рақобат муҳитини шакллантириш орқали монопол ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятига барҳам бериш ҳисобига янги тармоқ корхоналарини вужудга келтириш билан янгидан иш ўринларини барпо этиш;

-Вилоятнинг ҳар бир туманида яқин (5 йил) ва узоқ (10 йил) муддатларга белгиланган кадрлар тайёрлаш бўйича йўл хариталари

ишлаб чиқиши унга кўра кадрлар етказиб берувчи ва истеъмолчи идоралар ўртасида аҳоли бандлиги бўйича аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши зарур.

-Вилоятда янги иш ўринларини яратишда ҳар бир шаҳар ва туманларнинг табиий, иқтисодий демографик хусусиятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

-Вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали шаффоф ва эркин рақобатли меҳнат бозорини шакллантириш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. O‘zbekiston, toshkent 2017 y.

2.Abdunazarov.H.M, Umarova.M.N. Surxondaryo Geografiyasi (1-qism Tabiiy geografiya). O‘quv qo‘llanma. Termiz 2023.

3.Abdunazarov.H.M., Umarova.M.N., Esanov.N.A., Surxondaryo Geografiyasi (2-qism Iqtisodiy-ijtimoiy Geografiya). O‘quv qo‘llanma. Termiz 2024.

4. Abdug‘aniyev A. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. – T.: Adabiyot jamg‘armasi. 2007. 3. Abdullayev A, X.Aybeshov, Q.Rustamov

5. Bo‘rieva M.R., Tojieva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – T.: Tafakkur, 2011.